

Йил сарҳисоби-2018

2018-йил 25- май куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетидаги барча гуруҳлар ўртасида ташкил қилинган “Йилнинг энг яхши гуруҳи” танловининг якуний босқичи ҳамда факультет Ёшлар иттифоқи фаолияти сарҳисобига бағишиланган тадбир ўтказилди.

Тадбирни очиб бериш учун факультет декани О. Кучаров сўзга чиққач, 2017-2018 ўқув йили давомида “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҲИСОБОТ ВИДЕОРОЛИГИ тақдим қилинди.

Бундан сўнг “Йилнинг энг яхши гуруҳи” танловининг 5 - шарти иштирокчиларига навбат берилди.

“Энг яхши гуруҳ(супергуруҳ)” танлови факультетдаги барча гуруҳларга ўзини серқирра қобилияtlарини кўрсатиш имконини беради. Танлов шартлари ўзгача усулда бўлиб, талабаларни “Ёшлар иттифоқи”нинг фаол аъзоси, намунали талаба, ташкилотчи, билимдон, дунёқарashi кенг ва соғлом фикрли бўлишга чорлайди ва ана шундай ҳар соҳада илғор ёшларни синовдан ўтказади.

Ушбу танловнинг қуйидаги 4 та шартида факультетнинг 43% талабаси таҳсил олаётган 14та гуруҳи ўзаро беллашдилар.

Биринчи шартда гуруҳ мазкур ўқув йилида эришган ютуқлари ишчи гуруҳ томонидан белгиланган категориялар орқали баҳоланади.

Сўнг эса гуруҳ талабаларининг ўртacha ўзлаштириш ҳамда давомад кўрсаткичи баҳоланади.

Учинчи шартда иштирокчи гуруҳнинг суръатлари факультетнинг қарийб 80%ини қамраб олган телеграм каналида овозга қўйилди

Тўртинчи шарт эса жамоалар МУНОЗАРА-ДЕБАТ ўйинларида иштирок этишди.

Куни кечада ушбу танловнинг бешинчи шарти, яъни ТАНИШТИРУВ шарти бўлиб, унгача етиб келган кучли тўртлик жамоалар гуруҳини кўргазмали тарзда намойиш этишди ва гуруҳ тайёрлаб келган деворий газетага таъриф бериб ўтишди.

Натижаларга кўра, “Статус” жамоаси фахрли учинчи ўринни, “Келажак иқтисодчилари” жамоаси фахрли иккинчи ўринни, “Аудиторлар” жамоаси эса фахрли учинчи ўринни қўлга киритишиди. Ғолиблар ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар! Бунда яқиндан кўмак берган факультет деканатига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шунингдек, институт миқёсида волейбол бўйича биринчиликни қўлга киритган жамоа аъзолари, 20-май кунида ташкил қилинган Хайрия тадбири ташкилотчилари фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирландилар.

**“Иқтисод ва менежмент” факультетининг Ёшлар иттифоқи бошланғич
ташкилоти етакчиси Мухлисаҳон Рахматова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.**